

# АҚЛИ ЗАИФ ЎҚУВЧИЛАР МЕХНАТ КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА АХБОРОТ ВА КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ САМАРАЛИ ОМИЛЛАРИ

ЖДПИ Махсус педагогика кафедра мудири в/б доц.Акрамова Хафиза  
Самадовна

[samadovna2019@gmail.com](mailto:samadovna2019@gmail.com)  
tel: 998915960662

## Аннотация

Ушбу мақола ақли заиф ўқувчилар меҳнат кўникмаларини шакллантиришда ахборот ва коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг самарали омиллари ўзига хос жиҳатлари илмий ёндошувлар асосида ёритилган.

**Таянч сўз ва иборалар:** ақли заифлик, ахборот ва коммуникация технология, меҳнат кўникмалар, ўқув жараён

## Аннотация

В статье освещены особенности эффективных факторов использования информационно-коммуникационных технологий в формировании трудовых навыков умственно отсталых студентов на основе научных подходов.

**Ключевые слова:** умственная отсталость, информационно-коммуникационные технологии, рабочие навыки, процесс обучения

## Annotation

This article highlights the specific aspects of effective factors in the use of information and communication technologies in the formation of work skills of mentally retarded students on the basis of scientific approaches.

**Keyword:** mental retardation, information and communication technology, work skills, learning process

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ 4947-сон Фармони, “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 27.07.2017й. ПҚ-3151 сонли қарори, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 2909-сонли қарори, 30 июн 2017 йил “Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-5099-сонли фармони таълим жараёнида замонавий ахборот технологияларини қўллаш. Ахборот объектлар, ходисалар, жараёнлар ҳақидаги хабарлар тўпламидир. Олинган ахборотлар белгили, матнли ва графикли кўринишда ифодаланади. Белгили кўринишдаги ахборот асосан ҳарфлар, рақамлар, белгилар кўринишидан иборат бўлади. Ундан турли ходисалар ҳақида мураккаб бўлмаган сигналларни узатиш учун фойдаланилади.

Ахборот ва коммуникация технологиялари моҳиятан билим ва тил каби фундаментал тушунчалар чегараларини кенгайтирди. Тилнинг муҳим функцияси тўғрисидаги тасаввур – унинг ёрдамида билимларни эгаллаш ва етказиш – тарихан шаклланган: тил – алоқа ёки коммуникациянинг ўзига хос тизимидир. Инсон тилдан ташқари билимларни излаш ва эгаллаш, уларни сақлаш ва етказиш учун жамият ҳаётига аҳамиятли таъсир кўрсатган кўшимча воситаларни излаган ва топиб борган. Ёзув, босма станок, телефон, телевидение ва ниҳоят Интернет тармоғи – билимларни етказиш эволюциясининг энг аҳамиятли босқичларидир.

“Биз ахборот ва коммуникациялар асрида яшаймиз” деган фикр тўла ҳақли эмас, чунки ахборот ва коммуникация доим бўлган, аммо ахборот жамияти шуниси билан ажралиб турадики, унга ахборот ва коммуникация технологияларининг жадал ривожланиши хосдир, уларнинг имкониятлари эса инсоният тараққиёти учун, кўпгина касбий, иқтисодий, ижтимоий ва маиший муаммоларни самарали ҳал қилиш учун аҳамиятли бўлиб ҳисобланади. Мазкур имкониятлардан янги ахборот муҳитида мўлжал олиш имконини берадиган зарур билимларга эга бўлган жамият аъзолари оқилона фойдалана оладилар.

Бунда гап таълим мазмунини ўзгартириш, ахборот маданиятини эгаллаш - билимдонликнинг олий кўриниши, жумладан, инсоннинг шахсий сифатлари ва унинг касбий компетентлиги сифатида тушуниладиган умумий маданиятнинг таркибий қисмларидан бири ҳақида бормоқда. Шу билан бирга, “маданият” тушунчаси турлича талқин этилишини эслатиб ўтамиз. Аммо барча фарқлари орасида унинг энг аҳамиятлилари сифатида “ўтмиш меросига чуқур, онгли ва ҳурматли муносабат, у ёки бу ҳаёт соҳасидаги ҳақиқатни ижодий идрок этиш ва қайта ўзгартириш қобилияти” тан олинади.

Бугунги кунда маданият сўзини бундай тушуниш мазмунида ўқитувчининг шахс сифатида шаклланиши учун уни замонавий технологияларнинг ахборот-коммуникатив имкониятлари билан таништириш, ҳақиқий ахборот маданиятини эгаллаши зарур бўлиб, у унга ва унинг ўқувчиларига таълимнинг энг асосий мақсадларидан бирига эришишга: шахснинг ижодий имкониятларини аниқлаш ва ривожлантириш орқали инсонлар ва маданиятлар диалогидан инсонлар жамоаларининг ўзаро бойитилиши ва самарали ўзаро муносабатларига ўтишга йўл очади.

Меҳнатни ҳар бир индивид учун очик ва мақсадга мувофиқ фаолиятга чекловларни бартараф этувчи фаолият соҳаси сифатида тушуниш долзарб ҳисобланади, коррекцион имконият ва имконияти чекланган шахслар учун махсус таълим тизимининг моҳиятини айнан шундай мазмунда тушуниш лозим. Шу тариқа, ижтимоий, коммуникатив, ахборот, когнитив ва махсус сингари асосий компетенцияларни эгаллаш билан боғлиқ ахборот ва коммуникацион технологиялар билан бойитилган таълим мазмуни қуйидаги шартлар бажарилганида янада чуқурроқ ва онглироқ бўлади:

ҳамкорликдаги лойиҳалар, жумладан, телекоммуникацион лойиҳаларни бажариш имкониятига кўра педагоглар ва ўқувчиларнинг касбий ва умуминсоний ўзаро муносабатлари даражасининг сезиларли оширилиши;

анъанавий кутубхоналар ва мактаб лабораторияларининг имкониятларини электрон кутубхоналар ва виртуал лабораториялардан фойдаланиш, Интернет тармоғининг илмий, ўқув ва бошқа маданий ҳамда ижтимоий аҳамиятли ресурслари ҳисобига кенгайтириш орқали ўқувчиларнинг ижодий имкониятларини амалга ошириш учун янги сифатли шароитларнинг юзага келиши;

Ўз-ўзини назарот қилиш ва ўқитувчи билан қайта алоқани қўллаб-қувватлаш ривожланган тизимлари орқали ўқувчиларнинг анъанавий ва электрон ресурслар билан мустақил ишлашлари самарадорлигини ошириш.

Санаб ўтилган шартларнинг бажарилиши таълимни модернлаштиришнинг асосий мақсади – таълим сифатини яхшилаш, таълим олиш имкониятини кенгайтириш, алоҳида шахснинг ҳамда умуман ахборот жамиятининг баркамол ривожланиш эҳтиёжларини таъминлашга эришишга ёрдам беради. Ёрдамчи мактаб интернат доирасида коррекцион таълимни ривожлантиришнинг истиқболли йўналиши янги ахборот технологияларидан фойдаланиш ҳисобланади. Мамлакатимизда умумтаълим мактабларида компьютерлар анча йиллардан олдин пайдо бўлган. Албатта, ахборот технологиялари имконияти чекланган боланинг касаллигидан халос этмайди ва шу туфайли юзага келадиган муаммоларни бартараф этмайди. Аммо унга аввал ноъмаълум бўлган билим, кўникмалар, мулоқот шакллари, ўйинлар, уни ўраб турган муҳитни бошқаришни англаши орқали унинг ўз кучига бўлган ишончини уйғотади.

Технология – таълим тизимида муаллифлик концепцияларининг хилма-хиллиги тўғрисидаги умумлаштирилган тасаввурлар сифатида педагогикларнинг луғатда янги тушунчадир.

Замонавий психологик-педагогик адабиётларда таълимнинг турли хил вазибалари ва мазмунига нисбатан технологияларнинг қўлланилишини тизимлаштиришга уринишлар кузатилмоқда.

Хусусан, технология қуйидагича талқин этилади:

«ўқув жараёнини амалга оширишнинг мазмунли техникаси» (В.П.Беспалько);

«таълимнинг режалаштирилган натижаларига эришиш жараёни тавсифи» (И.П.Волков);

«санъат, маҳорат, малака, методлар мажмуи» (В.М. Шепель).

Педагогика фанида технология сўзи мазмун-моҳиятидан англанадиган тушунчага нисбатан ёндашувларнинг хилма-хиллиги, таълимнинг стратегик (методологик, назарий) муаммоларини ҳамда ўқув жараёнида субъект-субъект муносабатлари мазмунида (ўқувчи - ўқитувчи) бевосита қўлланиладиган аниқ процессуал хатти-ҳаракатларни очиқ бериши, шунингдек, уларни қўллаш шакллариининг турли хиллиги: компьютерли, ўқув-дидактик, ижтимоий-педагогик, психологик, реабилитацион ва шу каби кўпгина бошқалар тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш имконини беради.

Шу тариқа, педагогик технологиялар у ёки бу янгиликларга мослашиш, улардан таълим субъектининг сифатли ривожланиши учун энг қулайини танлаш имконини беради. Шунга кўра, махсус таълимда интилектида

нуқсони бўлган болалар ва ўсмирларнинг ташкилий таълим олиш жараёни инсонпарварлик, ривожлантирувчи воситалар ва методлардан фойдаланиш орқали қулай педагогик муҳитни ташкил этишга йўналтирилган мажмуавий технологиялардан фойдаланиш учун модель сифатида ифодаланган. Имконияти чекланган инсонларнинг меҳнатига тизимли ёндашувни ихтисослаштирилган ёрдамчи мактаб-интернатдаги касб-ҳунар таълими фояларидан кўра кенгроқ тушуништириш лозим.

Ёрдамчи ёрдамчи мактаб интернатлар ва умумтаълим мактаблари тизимининг бир қисми сифатида ривожланган. Бу уларнинг вазифаларини, жумладан, меҳнат таълими ва тарбияси вазифаларини янгирақ белгилашга имкон берди. Ёрдамчи мактаб ўқувчиларни одатий ишчилар жамоаси шароитларида меҳнатга тайёрлаш йўли билан уларни ижтимоий реабилитацияси муаммоларини амалда ечишга имкон берадиган тарбияни амалга оширади.

Ихтисослаштирилган ёрдамчи мактаб-интернатда ўқувчиларнинг таълим ва тарбиясининг асосий вазифаси уларни мустақил меҳнатга тайёрлаш ҳисобланиши сабабли, ихтисослаштирилган ёрдамчи мактаб-интернат тарбияланувчиларини ишлаб чиқариш меҳнатига муваффақиятли жалб этишни таъминловчи ўқувчиларга муайян меҳнат тури бўйича маълум билимлар тизимини етказиш ва тегишли касбий-меҳнат кўникма ва малакаларини шакллантириш, қатор ахлоқий, шахсий сифатларни тарбиялаш каби аниқ вазифалар биринчи ўринга чиқади.

Меҳнат фаолияти доимо ривожланади. Унинг ҳар бир таркибий компонентларининг юзага келиши малакалар, мақсадни белгилаш, мотивация, ишни режалаштириш, натижага эришиш ва уни баҳолашларни ўз хусусиятларига эга. Демак, меҳнат кўникмаларини шакллантириш жараёни ақли заиф болалар учун ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда машғулотларни ташкил этиш.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Катаева А.А., Давыдова С.И. Обучение умственно отсталых школьников в игровой форме с использованием образца и словесной инструкции. //Дефектология. - 2015. -№ 1
2. Катаева А.А., Стребелева Е.А. Роль дидактической игры в коррекционно-воспитательном процессе. // В кн. Дидактические игры и упражнения в обучении умственно отсталых дошкольников.-М., 2016, с. 36
3. Акрамова, Х. (2020). Ақли заиф ўқувчиларни компьютер технологиялари асосида меҳнат кўникмаларини шакллантириш. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(16), 1-9. извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/4013](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/4013)
4. Акрамова, Х. (2020). Коррекционно-педагогические обобщенности формирования навыков здорового образа жизни у детей с умственной отсталостью в семейных условиях. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 15(1). извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/918](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/918)

5. Акрамова, Х. (2020). Социально-педагогическая работа с детьми дошкольного возраста. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 7(1). извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/674](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/674)
6. Акрамова, Х. (2020). Didactic Foundations of Labor Activity for Children with Intellectual Disabilities. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 7(1). извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/682](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/682)
7. Акрамова, Х. (2020). Методика формирования общих трудовых навыков у умственно отсталых учеников через компьютерные мультимедийные программы. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(12), 1-7. извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/3182](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/3182)
8. Акрамова, Х. (2020). Methods of developing general work skills in mentally retarded students through information programs. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 7(1). извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/697](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/697)
9. Акрамова, Х. (2020). Peculiarities of the labor activity of mentally retarded pupils. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 15(1). извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/897](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/897)
10. Акрамова, Х. (2020). Aqli zaif o'quvchilarda axborot dasturlari vositasida umumiy mehnat ko'nikmalarini shakllantirish metodikasi. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 15(1). извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/916](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/916)
11. Акрамова, Х. (2020). Замонавий мультимедиа воситаларидан фойдаланиш - муваффакият гарови . *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(12), 1-5. извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/3162](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/3162)
12. Акрамова, Х. (2020). Мактабгача ёшдаги болалар билан олиб бориладиган ижтимоий педагогик фаолият технологияси. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(16), 1-5. извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/3994](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/3994)
13. Акрамова, Х. (2020). Mehnat darslarida aqli zaif bolalar nutqini o'stirishning o'ziga xosligi. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(16), 1-5. извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/4025](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/4025)
14. Haqberdiyev, jamoliddin. (2020). The importance of modern technical devices in the development of hearing. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(64). извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/6183](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/6183)
15. Haqberdiyev, jamoliddin. (2020). Болаларнинг мактабга психологик тайёргарлиги масалалари . *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(70). извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/6303](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/6303)
16. Haqberdiyev, jamoliddin. (2020). The importance of cochlear implant in the educational system of children with hearing disorders . *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(80). извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/6742](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/6742)
17. Majidov, J., & Majidova, G. (2020). SHAXS IJTIMOIIY TARAQQIYOTIDA OILA MUHITINING O'RNII. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
18. Majidov, J. (2020). PSYCHOLOGICAL CRITERIA OF THE LEADER PERSONALITY. *Архив Научных Публикаций JSPI*.

19. Majidov, J. (2020). Социальный интеллект как совокупность способностей, обеспечивающих адаптацию личности в обществе. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
20. Isaqulov, M. (2020). Юқори синф ўқувчилари тарбиясида виртуал стандартларнинг ўрни. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(50). извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/6069](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/6069)
21. Isaqulov, M. (2020). Formation Of High Spiritual Qualities In Youth. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(98). извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/8012](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/8012)